МАГНОЛИЯДОШЛАРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Г.ИКРОМОВА, Р.БАХРОМОВ, А.С.ДАРИЕВ, А.Ш.МАМАТЮСУПОВ

А. БОҒДОРЧИЛИКДАГИ МАГНОЛИЯЛАР

Магнолиялар манзарали ўсимликлардир. Иқлим шароитлари магнолияларни ўстиришга имкон берадиган ҳудудларда, хусусан, мамлакатимизда истироҳат боғлари, хиёбон ва кўча бўйларида уларни ҳозирги вақтдагига нисбатан кенг миқёсда экиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, истироҳат боғларида магнолияларни массив тарзида эмас, якка-якка ёки кичик гуруҳ қилиб экиш самарали натижа беради. Чунки табиий шароитда ҳам улар узлуксиз массивлар ҳосил қилмасдан, доим бошқа ўрмон ўсимликлари билан аралаш ўсади.

Масалан, магнолияларнинг бир вақтда (синхрон) гуллайдиган типи – Magnolia denudata истироҳат боғларида чор томондан (ҳеч бўлмаганда уч томонидан) баланд, доим яшил дарахтлар билан ўралган майсазорларга экилса, яхши тараққий этади ва оппоқ гулли ажойиб кўриниш ҳосил қилади. Уларни экишда балоғатга етганларида кроналарининг ораси 2-3 метрдан кам бўлмаслигини ҳисобга олиш керак.

Яхши натижа олиш учун магнолияларни яшил, унча баланд бўлмаган буталар (масалан, зирк – Berberis brachypoda, B. Insignis) орасига якка-якка экиш тавсия этилади. Магнолияларнинг теварак сиртига баланд, доим яшил дарахтлар, хусусан, баланд нинабаргли дарахтлардан айлантириб экилса, гуллаганида магнолиялар кронаси уларнинг орасидан ажойиб кўриниш беради. Яшил дарахтлар билан қуршалган, унча катта бўлмаган сув ҳавзалари бўйидаги доим яшил буталар массиви орасига экилса, янада хушманзара бўлади.

Катта истироҳат боғларида синхрон гулловчи ҳамда доим яшил M. grandiflora ўсимликларидан иборат кенг хиёбонлар кучли таассурот қолдиради. Турар жой массивларидаги унча катта бўлмаган боғлар ва майсазорларда эса M. stellata яхши натижа беради. Бу тур гуллаётган вақтда кўзни қамаштирадиган ўта кўп оқ гуллар билан қопланади ва узоқдан қор бўлагини эслатади.

Ачинарлиси шуки, бизнинг хонадонларимизда қишда (январь, февраль ойларида) гуллатиш учун катта тувакларда бута, дарахтларни экиш одат эмас. Ҳолбуки, кўплаб Шарқ мамлакатларида, жумладан, Хитойда шу мақсадда магнолиядан фойдаланиш 100 йиллар олдин урфга кирган.

Магнолиялар барг ёзмасидан олдин гуллагани сабабли уларнинг гуллашини тезлаштириш унчалик қийин эмас. Масалан, M. denudata, M. stellata каби турлари Украина, Қора денгиз бўйларида қиш иссиқ келганда очиқ тупроқда ҳам кўпинча январь охири – февралда гуллайди. Ёки Батумида 1937-1938 йилларда қиш илиқ келгани учун M. stellata var. Rosea январь ойи ўрталарида тўлиқ гуллагани қайд этилган. Қишда гуллатиш учун M. liliflora ҳам қулай объект ҳисобланади.

Магнолияларнинг гул куртаклари олдинги йилнинг куз мавсумида шаклланиб бўлади. Бу эса уларни январдан мартгача гуллатишни осонлаштиради, чунки гул куртаклари эрта баҳорда шаклланади. Ўсимликлар очиқ ҳавода қуёш нурларидан етарли даражада фойдаланади. Бу ҳол уларда нормал гул куртаклари тараққий этишига ёрдам беради ва ўз навбатида иморатлар ичида қишда гуллашига сабаб бўлади. Қишда гуллатиш учун уларни ноябрдан январгача совуқ (+3, -4^{0}C), қоронғи бинода сақлаш керак. Январда эса иссиқроқ (+10^{0}C) ёпиқ жойга кўчирилса, улар гуллайди. Очилган гулларга сув теккизиш керак эмас, акс ҳолда улар тез бузилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қишда гуллатиш учун M. denudata ва M. stellata турларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Тувак экземплярлари сифатида магнолияларнинг бу турлари гуллаган вақтда ўта манзарали кўринишга эга. Қишда гулловчи магнолияларни Ўзбекистоннинг субтропик ҳудудларида (Қашқадарё, Сурхандарё), ўртача намликка эга жойларда ўстириб, бошқа жойларга тарқатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, Ғарбий Европада қишда гуллайдиган ўсимликларни Голландия ва Белгия етказиб беради.

Магнолиядошларнинг бошқа вакилларидан лола дарахти боғбонларнинг диққатига сазовор. Бу дарахт катта гуруҳларни ташкил қила олади, хусусан, ундан катта майдондаги паркларда аллеялар ташкил қилишда ҳамда кўча бўйларига экишда фойдаланилади. Лола дарахти тез ўсади ва ўта йирик ҳажмга эга бўлгани учун салобатли кўринишга эга бўлади. Аллеяларнинг кенглиги ва дарахтлар оралиғи 13-20 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Доривор магнолия ўсимликлари. Европа табобатида ва фармакопеясида (дори тайёрлаш, сақлаш ва касалларга ёзиб беришга оид қўлланма ёки қоидалар тўплами) магнолиядошлар доривор ўсимлик сифатида мутлақо ишлатилмайди, уларнинг дориворлиги тўғрисида одамларда деярли тушун-

ча йўқ. Лекин улар табиий ҳолда ўсадиган давлатларда баъзи магнолиядошларнинг тинктура (спиртда, эфирда эритилган) си, дамламаси халқ табобатида ишлатилади.

Бизда интродукция қилинган магнолиядошлар тонус (дармон)ни кўтарувчи шифобахш моддаларга эга. Масалан, бир-биридан узоқ масофада жойлашишига қарамай, Хитой ва АҚШда мазкур ўсимликнинг дориворлиги илгаридан маълум бўлган ва айрим касалликларни даволашда фойдаланиб келинган. Фикримизча, бу ҳол магнолиядошларда ҳақиқатдан ҳам баъзи касалликларга таъсир этувчи моддаларнинг борлиги бир-биридан узоқда жойлашган иккала давлатда илгаридан маълум бўлганини кўрсатади.

Доривор моддалар магнолиядошлар илдизи, қобиқлари, гуллари, барглари, мевалари ва уруғларида мавжуд.

M. grandiflora қобиғининг дамламаси Шимолий Америкада дармон берувчи ва безгакка қарши яхши дори сифатида ишлатилади. M. virginiana нинг қобиғи, меваси ва уруғларининг тинктураси ҳам безгакка қарши яхши натижа берадиган модда ҳисобланади, шунинг учун ҳам бу ўсимлик халқ орасида “Виржиния хинаси”, яъни безгак дориси деб аталади. У безгакка қарши восита бўлиш билан бирга, тоник хусусиятларга эга ва юрак фаолиятини яхшилайди, шунингдек, сурункали ревматизмни даволашда кучли восита ҳисобланади.

M. denudata уруғларининг дамламаси Хитойда юрак ва ўпка касалликларини даволашда ишлатилади. M. grandiflora қобиғи дамламаси XIX асрдаёқ анализ қилинган ва унда лола дарахти ҳамда M. virginiana илдизидан топилган лириодендрингга аналогик бўлган кристалланувчи модда борлиги аниқланган. Liriodendron tulipifera қобиғининг дамламаси Шимолий Америкада гижжага, безгакка қарши ҳамда дармон берувчи восита сифатида ишлатилади. Бундан ташқари, ундан подагра, ревматизм, дезинтерия, қичитма ва жазава касалликларида фойдаланилади. Бу дарахт илдизининг дамламаси жадал таъсир этади. Liriodendronнинг майдалаб қийилган барги эса бош оғриғида пешонага қўйилади.

Б. МАГНОЛИЯДОШЛАРНИ МАДАНИЙЛАШТИРИШ

Магнолиядошларни кўпайтириш. Магнолиядошлар уруғларидан ҳам, вегетатив йўл билан ҳам кўпаяди. Уруғдан турғун холда кўпайтириш мумкин.

Магнолияларнинг уруғлари, одатда, сентябр-октябрда пишади. Шу вақтда шаклланган “қубба”лари – мевалари бел томонидан узунасига очилади ва уруғлари чиқади. Улар “қубба” юзи бўйлаб ингичка ипчаларда – фуникулсларда осилган ҳолда жойлашади. Айнан шу вақтда уруғларини йиғиб олиш керак ва экишдан олдин, март ойигача бироз намроқ қумда сақлаш керак. Бундай қилинмаса, уруғнинг мойли эндосперми тез ачий бошлайди ва унувчанлигини йўқотади. Экишдан олдин уруғларнинг қорайиб қолган ва чала бузилган (чириган) этдор қобиғини қум билан ишқаб ажратилади, тозаланган қора қаттиқ уруғлари ювилиб, текис яшикларга экилади ва 15-18^{0}C ҳароратли иссиқхонага жойлаштирилади. Майсанинг учинчи барги ҳосил бўлгач, уни яхши ўғитланган тупроққа ариқ қилиб экилади. Бизнинг шароитда уларни қишда ҳимоялаш талаб этилмайди.

Лола дарахти уруғлари пишган заҳоти (тахминан ноябрда) бевосита ўғитланган тупроққа экилади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, лола дарахти уруғлари ўта паст унувчанликка эга, унувчанлик одатда 5-6% дан ортмайди, онда-сонда 16% гача бўлиши мумкин.

Магнолиядошларни вегетатив кўпайтириш ўта қийин, шунинг учун ўсимлик уруғ бермаса ёки уруғни бошқа жойдан олишнинг иложи бўлмасагина бу усулдан фойдаланиш мумкин.

Магнолия туркуми турларини қаламчалардан кўпайтириш кўп ҳолларда қониқарли натижа бермайди. Фақат M. grandiflora ни ёғочи чала пишган қаламчаларидан кўпайтириш мумкин.

Пархеш йўли билан (тилинган) кўпайтириш яхши натижа беради. Лекин илдиз чиқарган экземплярлар олиш учун узоқ муддат (икки йил) керак. Пархеш йўли билан кўпайтириш усули бошқа ўсимликларни пархеш йўли билан кўпайтириш усулидан фарқ қилмайди.

Пайванд қилиш усули пархеш йўли билан кўпайтиришга нисбатан яхши ва тез натижа беради. Бу усулда хазонрезгили M. liliflora ва M. tripetala лар пайвандтаг бўлиб хизмат қилади. Охирги турнинг илдиз системаси нисбатан попук илдизли бўлиб, унга пайванд қилинган ўсимликни бошқа жойга кўчирганда нормал ривожланади.

Доим яшил турлар учун пайвандтаг сифатида M. grandiflora олинади. Иссиқхонада, февралнинг охирида, тувакларга экилган пайвандтагга пайванд қилинади. Пайвандтагнинг пайвандлаш вақтидаги йўғонлиги 8-10 мм бўлиши керак. Пайвандлаш копулировка усули билан амалга оширилганида яхши натижа беради. Пайвандлангач, боғдорчиликда ишлатиладиган қайнатма елим билан албатта суриб қўйилиши шарт. Пайванд қилинган ўсимликларни пайвандтаг билан пайвандуст бир-бири билан туташиб ўсгандан кейин питомникка экилади ва субтропик ўсимликлар каби парвариш қилинади. Ўсимлик 60-70 см баландликка эга бўлгандан кейин, улар доимий ўсадиган жойига экилади.

Доимий ўсадиган жойларга кўчириш. Юқорида магнолияларни истироҳат боғларининг қайси

жойларига экканда яхши натижа бериши тўғрисида айтган эдик. Шуни таъкидлаб айтиш керакки, магнолияларни экиш учун шамолдан ҳимояланган жойларни танлаш керак. Чунки шамол уларнинг гулларини қисқа вақт ичида ўта кўримсиз қилиб қўяди.

Қуруқ тупроқни магнолиядошлар ёқтирмайди. Шимолий Америка магнолиялари – M. virginiana ва M. acuminata турлари учун сезиларли даражада нам (лекин ботқоқ бўлмаган) тупроқли жойлар танланади. Сув тўпланадиган (туриб қоладиган) жойлар магнолиядошлар учун умуман тўғри келмайди. Бундан ташқари, карбонатли ва шўр тупроқлар ҳам ярамайди.

Магнолиядошларни ўтқазиш ва бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш, албатта, баҳорда, яъни куртакларнинг ёзилиш белгилари пайдо бўлган вақтда амалга оширилади. Магнолиядошларни парваришлаш бошқа субтропик дарахтларни парваришлашдан фарқ қилмайди. Юқорида келтирилган турлардан M. grandiflora, M. kobus, M. denudata ва M. stellata лар учун қишда ҳимояланиш зарур эмас.

В. МАГНОЛИЯДОШЛАРДАН СУНЪИЙ ЎРМОНЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШДА ФОЙДАЛАНИШ

Сунъий ўрмонлар ҳосил қилишда магнолиядошлардан битта тур – Liriodendron tulipifera ёки лола дарахти қатнаша олади. Бунинг ёғочи ўта қимматбаҳо, тик ва тўғри ўсади. Танаси устунсимон, тез ўсади. Мазкур хусусиятлар ундан бизнинг субтропикларимизда сунъий ўрмонлар ҳосил қилиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Бундай ўрмонларни ҳосил қилишда Liriodendron майсасининг уруғи экилгандан кейин учинчи йил баҳорда, яъни ўсиш бошланмасидан олдин олиб экилади. Оралиғи ҳар томондан 2 метр бўлиши лозим. Кейин, улар бўйига ва энига ўсиб кенгайгач, эҳтиёткорлик билан бироз сийраклаштириш керак бўлади. Буларнинг парвариши бегона ўтлардан, бошқа дарахт бачкиларидан тозалаб туришдан иборат. Бундай парвариш дарахтларнинг баландлиги 7-8 метрга етиб, кроналари бир-бири билан туташгунга қадар давом эттирилади.

Адабиётлар:

1. Родионенко Г.И. Род Ирис.- М. – Л.: Изд. Ан СССР, 1961.- 215 с.
2. Серебряков И.Г. Морфология вегетативных органов высших растений.- М.: Советская наука, 1952.- 391 с.
3. Тахтаджан А.Л. Система и филогения цветковых растений. М. – Л.: Наука, 1966.- 611 с.
4. Федоров Ал. А., Артюшенко З.Т. Атлас по описательной морфологии высших растений. Цветок. - Л.: Наука, 1975.- 349 с.; Соцветие.- Л.: Наука, 1979.- 295 с.
5. Федоров Ал.А., Кирпичников М.Э. Артющенко З.Т. Атлас по описательной морфологии высших растений. Лист.- М.-Л.: Ан СССР., 1956.- 303 с.
6. Хварцкия Р.М. Оптимальные сроки посева семян магнолии в условиях Абхазии.- М., 1968

Андижон давлат университети
2011 йил 30 августда қабул қилинган.